

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**М.БЕҲБУДИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

Жисмоний маданият, санъат ва меҳнат таълими кафедраси

Б.И. Муранов

**8-9 синфларда касбга йўналтириш машғулотларини ташкил этиш.
(Методик тавсиялар)**

Самарқанд – 2010 йил

**Тузувчи-муаллиф: М. Бехбудий номли Самарқанд ВПКҚТМОИ
Жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими кафедраси мудири.
Муранов Б.И. п.ф.н., доцент**

**Такризчилар: А.Навоий номли СамДУ профессори
Педагогика фанлари доктори
Н.Шодиев.
А.Навоий номли СамДУ профессори
Р.А.Аминов Педагогика, психология ва
таълим менежменти кафедраси мудири
педагогика фанлари номзоди, доцент**

Методик тавсиянома умумий ўрта таълим мактабларида ўргатиладиган меҳнат таълимнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланган касбга йўналтириш, танлаш, касбий маслаҳатлар хусусиятларини аниқлашларида турли мураккабликларга дуч келадилар. Ушбу методик тавсиялар ана шундай ўзига хос хусусиятларни белгилашдаги мураккабликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Методик тавсияномаларидан ВПКҚТМОИ лар профессор ўқитувчилари, курс тингловчилари, меҳнат ва касбга йўналтириш таълими ўқитувчи-педагоглари, ХТБ ходимлари, методистлар, ташкилотчилар, назарий ва амалиётчилар, талабалар ва аспирантлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Компьютерда терувчи: Жаҳонгир Назаров.

Методик тавсиянома М.Бехбудий номли Самарқанд ВПКҚТМОИ “Жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими” кафедрасининг 2010 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган 7-сонли йиғилишида муҳокама этилган ва кичик ададда нашр этишга тавсия этилган.

Кириш

Умумий ўрта таълим мактабларида касбга йўналтириш машғулотларини қуйидаги мазмунда ва шаклда ташкил этилади. Касбга қизиқиш босқичлари. Қизиқишнинг майлга ва мақсадга айланиш жараёни. Қизиқиш, майл қобилиятларни касб танлашга таъсири. Иродавий сифатлари (дадиллик, қатъиятлик, интизомлилик) ўзига ва ўз қобилиятига ишониш. Ўзини идора қилиш, ривожлантириш омиллари. Касб танлашда онглилик ва мустақиллик. Ўз-ўзини тарбиялаш, касб танлаш моҳияти. Касбларнинг мураккаблик омилларини таҳлил қилиш. Одамнинг ўзи хоҳлаган касбга яроқли эканлигини белгилаш. Ўз рухиятидаги касбга мойилликни тарбиялаш усуллари. Касб танлашда талаб қилинадиган шарт-шароитлар билан шахсни қизиқишлари, майллари, қобилиятлари, саломатлиги ва бошқа сифатларини ўзаро мувофиқлигини аниқлаш. Касбга йўналтириш марказлари ва ўқув юртларини тавсифини билиш. Диагностик касб маслаҳатидан фойдаланиш, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ўқувчиларига бўлган тадбирларни, уларни бир-биридан фарқини билишлари керак.

Меҳнат ва касб-хунар таълимининг узлуксиз тизими, оиладаги ва мактабгача тарбия муассасаларидаги, умумтаълим мактаблари, касб-хунар таълими, ўрта махсус, олий ва мустақил таълимни, ўзини қамраб олади.

Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни ҳаётга, меҳнатга ва маълум турдаги касбларга тайёрлашда меҳнат ва касб таълими узвийлиги муҳим аҳамият касб этади. Умумтаълим мактабларида меҳнат таълими дарсларида олган билим, малака ва кўникмаларни юқори VIII-IX синфларда «Касб танлаш», «Ишлаб чиқариш асослари» ўқув курсларини ҳамда оммавий ва анъанавий касб йўналишлари бўйича меҳнат таълимини амалий машғулотлар асосида ўргатиш. Ўрта махсус хунар ўқув юртларида маълум касбларни асосларини эгаллаган битирувчиларга тегишли ҳужжатлар ва аттестация мазмунини ёритиш лозим бўлади.

Таълим тўғрисидаги қонунда ёш авлодни меҳнат фаолиятига тайёрлаш онгли равишда меҳнат ва касб маҳоратини эгаллашда таълим ва тарбия тамойилларига амал қилишга ўқувчиларда ижтимоий фойдали меҳнатга муносабат ва урф-одатни тарбиялаш ўқувчиларнинг ғоявий билимларини кенгайтириш Ўзбекистоннинг буюк мақсад йўлида фаол курашчиларни шакллантириш, йўналтиришдир. Касбга йўналтириш ўқувчиларнинг мустақил касб танлашга илмий ва амалий жихатлардан таёрлаш тизимидир. Бу жараёнида шахснинг ўзига хос хусусиятларини ҳам давлат манфаатлари учун меҳнат қилиш ва тақсимлаш заруриятини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу жойда умумий фойдали жамият манфаати учун ҳар қандай ишга тайёргарлик қобилиятларини, интилишини талаб этилади. Касбга йўналтиришнинг мақсади ёш авлодни онгли касб танлашга тайёрлашдир. Аввало ўқувчиларни хулқ-атвор ва фазилатини ижтимоий аҳамиятига молик ички руҳий натижаларини шакллантириш лозим бўлади.

1. Касб танлаш ишлари аҳамияти ва мазмуни.

Президентимиз И.А.Каримов иқтисодни юксалтиришнинг 5 тамойилида иқтисоднинг сиёсатдан устиворлигини алоҳида курсатиб утган эди. Меҳнатнинг хилма-хил турлари касбларни ўзига хос хусусиятлари ривожлантириш тамойиллари давлатнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларни билдирган таъминланган. Халқ мақолларида буюк алломаларнинг меҳнат тўғрисидаги касб ҳақидаги фикрларида ҳам бола бошидан меҳнат қилишни улуғлайди. “Йигитнинг 40 хунари бўлсин” каби сўзлар касб ҳақида этиборли бўлганликларини билдиради.”Хунарли зўр, хунарсиз зор”

Академик Е. А. Климов таклифи бўйича касбнинг 5 хилдаги типини ажратиб курсатилди. «Инсон табиат», «Инсон техника», «Инсон-инсон», «Инсон белги тизими», «Инсон бадий образ», бундай ёндошувлар касб меҳнат фаолиятини мустақил таҳлил этиш касбдаги муҳим методдан ажрата олиш меҳнат таълими мавзуси мақсади, талаб этилади. Меҳнатга одатланмаган бола ўз фаолиятини қандай воқеалар билан дуч келса шундай утказишга тўғри келади. Ўз фаолиятини онгли бошқара олмайдиган натижада ҳам жамиятга ҳамда ўзига зарарли бир жиноятчи ёки ишёқмас пайдо бўлади. «Одам ўз билими ва тажрибасини маҳоратини бошқаларга ҳам ургатган такдирдагина ҳақиқий инсон бўлиб тарбияланади» деб ёзади рус педагоги В. А. Сухомлинский.

Давлатимизда ҳам меҳнатга ўргатиш уни касбга қизиқтириш оиладан бошлаб амалга оширилиб борилмоқда. Ўғил болалар ҳам қиз болалар ҳам турли хунарлар ўрганиб, ҳаётга тайёрлайдилар. Мактабда устахоналар, пазандачилик ошхоналари амалий машғулотлар утиш синф хоналари, меҳнат, дам олиш оромгоҳлари ва ёзги таътилда амалий ишлари.

Касбга тайёрлаш ўқувчиларни ўзига хос томонлари ҳисобга олишни талаб этадиган муайян тизимдир. Касбга эрта йўналтириш шахсни, меҳнат кучи ғайратини сарфлашга тайёрлашдан меҳнатнинг ижтимоий сабабларини босқичларига фойда келтирар эҳтиёжини ўз кучига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида қобилиятларини шакллантиришдан иборатдир. Касбга йўналтиришнинг иккита омили жамиятнинг кадрга бўлган эҳтиёжини ёшларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олиб, амалга оширилади. Иккинчи шахснинг касбий жиҳатдан ўз-ўзини англашлари билан боғлиқдир. Меҳнат фаолияти усулларни уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Оғзаки 2. Кўргазмали, 3. Амалий ишлар усулларга бўлиш мумкин.

1-Касбга йўналтиришнинг оғзаки шакл ва усулларига ҳикоялар, суҳбатлар, маърузалар, китоб ўқиш ва мутала қилиш, китобхонлар анжумани тегишли мавзуларда мақолалар ёзиш, баҳс, касб вакиллари билан учрашувлар, мавзули кечалар, касблар ҳақида фото-газеталар чиқариш, конкурс беллашувлари ташкил этиш.

2-саёҳат, фильмлар фотокўргазмалар расмлар курсатиш мактаб ва саноат корхоналаридаги касбга йўналтириш бурчаклари ва кабинетларда

меҳнат шон-шуҳрат хоналарида кургазмалар ташвиқот воситаларидан фойдаланиш кургазмали шакл ва гуруҳлидир.

3 Амалий чиқишлари ва усуллари корхона ёки бошқа меҳнат жараёнида ўқувчиларни қатнашиб бориш ишлари олдидан мактабда режалаштириб борилади.

Мактабнинг ота-оналар билан ўқувчиларни касбга йўналтириш тизимидаги энг муҳимидир. Ота-оналар фарзандларининг ҳаётий касб режаларини белгилашларида фаол иштирок этадилар. Ҳамма ота-оналар ҳам фарзандлар истак ва хоҳишларини билавермайди. Ўқувчини касбга йўналтириш ота-оналарни тайёрлашни ўқитувчи, синф ота-оналар қўмитаси амалга оширилади. Ота-оналар қўмитаси шундай касбга йўналтиришлари бевосита касб вакиллари билан учрашув ташкил этишда синф раҳбари ва ўқитувчиларга ёрдам кўрсатади.

Касбга йўналтириш ўқувчи ёшларни маълум соҳа орқали ўз билим ва қуникмаларини изчил амалга ошириш долзарб муаммолардан биридир. Касбга йўналтириш умумтаълим мактабларида касб ҳунар лицейларида олий мактабларда амалга ошириш билан тугалланади.

Умумий таълим мактабларида касбга йўналтиришни тубдан йўналтириш вазифасини амалга оширишда. Мактаб касб-ҳунар коллежи ва корхоналарнинг ўзаро муносабатлари бошқачароқ бўлиб боради. Улар ёшларнинг меҳнатини ташкил этиш ва ҳунарли бўлиб камолга етишишда манфаатдор иттифоқчи бўлиб қолишлари лозим. Ислох ҳунар техника таълими тизимининг обрўсини ва аҳамиятини бир мунча кутаради.

Бунинг учун мактаб ўқувчиларида касб танлаш билан боғлиқ ҳулқ атвор фаолиятини шакллантириш лозим. Касбга йўналтиришга ёшларнинг касбини эркин ва мустақил танлашнинг илмий амалий тизими сифатида қараш лозим. Ҳар бир шахснинг ҳам индивидуал хусусиятларини эътиборга олади. Касбни мустақил танлаш шахснинг ривожланиш жараёнидир. Унинг ички моҳияти барча меҳнат турлари туғрисида билимлари тизимларини шакиллантиришдан ва меҳнатга йўналтиришдан иборатдир. Мактаб ўқувчиларининг уларда бир томондан меҳнат қилишга тайёрликни шакиллантиришни иккинчи томондан олинган малака ва қуникмаларни халқ хужалигининг аниқ бир соҳасида қуллашни вазифа қилиб қўйиши ўқувчиларнинг билим фаолияти билан албатта ўзаро боғланган бўлиши лозим.

а) Мактаб ўқувчиларига касб ҳақида маълумот беришга қўйидагиларни киритиш муҳимдир. Ўқувчиларда асосий касб ихтисослик айниқса шаҳар ёки туман купроқ эҳтиёж сезаётган касблар ҳақида уларни қизиқтираётган касбларни эгаллаш имконияти туғрисида маълумотларни айтиб бериш шахс психологиясининг энг муҳим вазифалари билан таништириш керак.

Энг яхши ишларга кўрик-танлов, бахслар, илмий амалий конференциялар утказиш мақсадга мувофиқдир. Кабинет раҳбари бундай машғулотларда қандай кургазмали воситалардан фойдаланиш мумкинлигини олдиндан уйлаб қўйиш керак.

V-IX синф ўқувчиларига касб ҳақида маълумот беришдан мақсад касб танлашнинг ахлоқий, ғоявий, меҳнат асосини шакллантиришдир. Ёш ўсмир ахлоқий онги тез усиши билан ажралиб туради. Унда касб пайдо бўладиган шахс сифатида ўзини англаб етиш эҳтиёжи намоён бўлади. Шу ёшлардаги ўқувчиларга катталарнинг меҳнат тўғрисида тасаввулар доирасини кенгайтиришда ёрдам бериш турли фаолият соҳаларига қизиқишни шакллантириш зарур.

Касб тўғрисида гуруҳ бўлиб суҳбатлар ўтказиш, ҳам унга хизмат қилади. Ўқувчиларни меҳнат касб тўғрисидаги билим маълумотлари кенгайтирилади. Меҳнатнинг конкрет турларига аввало яқин атрофда учраш мумкин бўлган меҳнат турларига қизиқиш намоён бўла бошлайди.

8-9 синф ўқувчиларининг касб танлашга тайёрлиги фаолиятининг конкрет бир турини мўлжаллашда бир қарорга келишганлиги билан характерланади, бу босқичда касб ҳақида маълумот бериш юқори синф ўқувчиларида кенг техника-технологик билим доирасини ривожлантириш фаол ҳаётий меҳнат йўлини танлашдаги ғоявий ахлоқий мотивларини шакллантиришдир.

Ҳозирги вақтда мактаблар ҳаётига факультатив машғулотлар кенг кириб келди. Улар онгли қизиқиш ва майларни ривожлантиришга қаралган бўлиб одатда ўқувчилар касб қизиқишини ривожлантириш осон эмаслиги маълум борди. Юқори синф ўқувчиларига касб ҳақида маълумот бери ўзини оқлаган шаклландан бири булғуси касбни химоя этиш буйича конкурслардир. Мактаб ўқувчиларига касб танлашда ўқувчилар конференциялари жиддий ёрдам беради. Бироқ купгина бадиий асарларда муаян меҳнат касб кишини унинг маънавий оиласи ва ахлоқий фазилатлари тасвирланган. Ўқилган китобларни муҳофаза қилаётганда мен ва адабий қаҳрамон деган педагогик вазият вужудга келади. Мактаб ўқувчиларида севиб қолган адабиёт қаҳрамонларининг қайси касбини мўлжаллаётганликлари билан таққослаш пайдо бўлади.

Ўқувчилар конференцияларини фақат алоҳида асарлар билан эмас, шу билан бирга умумий муаммога талукли бир нечта адабиётлар билан ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Касбга йўналтириш тизимининг асосий компонентлари қўйидагилардан иборат касб ҳақида маълумот бериш. Мактаб ўқувчиларини кучини синаб куриш касб маслаҳатлари ва касбга йўналтиришлардан иборат. Касб маслаҳатларида шу нарса аниқланганки мактаб ўқувчиларининг камида 50 % яқка маслаҳатларга мухтождир. Буларга қўйидагилар киради.

1. Касб-танлашда ўқувчини қобилиятини ҳисобга олиш. 2. Касбларни белгилашда ота-оналар билан зиддият пайдо бўлган ўқувчилар.3. Ўзини танлаган касб йўналиши тўғрилигини исбот қилиш истаги бўлган ўқувчилар. Ўсиб улғайиши тенгқурларидан ўзгача бўлган ва хулқ атвори бошқача бўлган ўқувчилар.

Касбга йўллашда маълумотлар зарур ва етарли маълумотлар қўйидагича бўлиши лозим: 1. Маълумот олишнинг режалаштирилган ва режалаштирилмаган жараёнлари. 2. Маълумот олишнинг мақсадга

йўналтирилган жараёни. 3. Жамиятнинг мутахассислар кадрга эҳтиёжи тўғрисида. 4. Турли туман касблар ва улар одамларга талаби тўғрисида. 5. Одамнинг мустақил касб танлаши қўядиган учун муҳим шахсий хислатлари тўғрисида. 6. Касбни эгаллаш йўллари шакллари усуллари тўғрисида

Онгли равишда касб танлашда ўқувчиларнинг ўз имкониятларига, эҳтиёжлари билан унинг ахлоқи тамойил билан таққослаб кўриш лозим.

Хар қандай одам усмирлик чоғида эндигина вояга етиб келаётган даврда жамиятда муносиб урин топиши керак. Жорий этилган мазкур таълим модели орқали аввало, ана шу вазиятнинг олдини оламыз. Қолаверса, ёшларни муаян бир иқтисосга эга қилиб ҳаётга йўланма берамыз. Дунёда умид билан қадам қўйиб келаётган нав-нихол инсон ҳаётга муносиб уринни топса турмушдан, тақдирдан, ватандан рози бўлиб яшайди. Умри бўйи бинокорлик фаолияти билан машғул булади. Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

2. Умумтаълим мактабларида касбга йўналтириш фани хонаси ва унинг жиҳозлари.

Ҳозирги даврда ҳар бир таълим муассасида жумладан, умумий ўрта таълим мактабида касбга йўналтириш хонасини ташкил этиш талаб этилади. Ушбу хоналар ҳақидаги Низом Халқ таълими Вазирлиги томонидан 2001 йил 3 ноябрда тасдиқланган. Низом асосида жиҳозланади. Ушбу Низом қўйидагича тузилган: Касбга йўналтириш хоналарини жиҳозлаш ҳақида маълумотлар. Худуддаги академик лицей ва касб ҳунар коллежларининг жойлашиш харитаси. Улардаги тайёргарлик йўналишлари. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш хонасида ўтказиладиган тадбирлар режаси, хонанинг иш тартиби. Ўтказилган тадбирлар баённомаси ва уларга тааллуқли материаллар. Ҳар хил касбдаги меҳнат фахрийлари ҳақидаги маълумотлар альбоми. Корхоналар, ўқув муассасалари билан ҳамкорлик ишлари. Давлат мулкисининг асосий ва айланма маблағлари. Стендлар: меҳнат ва касб-ҳунарга йўналтиришда ишлатиладиган атамалар. Касблар олами ва касблар шажарасига оид рефератлар мавзулари. Касблар ва шахс мавзулари юзасидан ўтказиладиган баҳслар, суҳбатлар ва бериладиган маслаҳатлар. Ўқувчилар учун ўзлаштирилиши лозим бўлган касбий билимлар. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тарғибот стендлари. Олий ўқув юртлари тўғрисидаги маълумотлар. Меҳнат бозоридаги касбларга эҳтиёжлар ҳақида.

Худуддаги мавжуд касблар ва уларга бўлган эҳтиёжлар тўғрисидаги маълумотлар. Санитария-гигиена қоидаларига оид ўқув плакатлари, кўргазмалар, халқ ҳунармандчилиги ва уларни тўғрисида оид стендлар. Ганч, ёғоч ва металл ўймакорлиги ва уларни турлари тўғрисида маълумотлар, худуддаги ёғоч, ганч, металл, суяк ўймакорлигини ўзига хос хусусиятларини ёритиш бўйича суратлар.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ўқув хонаси ва амалий машғулотлар учун устахона ташкил қилиш ва уларда хавфсизлик, қулай меҳнат шароитларини яратиш.

Ўқувчиларни машғулотлар учун зарур хом ашё, материал, асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳамда мосламалар, механизмлар, станоклар билан амалий ишларни жараёнини ташкил қилиш қоидалари. Меъёрий, режалаштириш ҳужжатлари устахонада хавфсизлик қоидалари, санитария-гигиена ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларига доир ҳужжатларни юритиш ва сақланиши.

Ўтган даврларда умумтаълим мактабининг 9-11 синфларининг битирувчиларининг бандлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Ўқувчиларнинг касб-хунарга йуналтириш хонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларига касбий ахборотлар ва маслаҳатлар бериш, касбий ташҳис қуйиш, уларнинг қобилияти, мойиллиги, кизиқишлари ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда, академик лицей ёки касб хунар коллежларидаги тайёрлов йуналишларини танлашга кумаклашиш мақсадида ташкил этилади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йуналтариш хонаси уз фаолиятида «Ўқувчиларни касб-хунарга йуналтириш ва психологик педагогик Республика ташҳис Маркази» тугрисида Низомга асосланади.

2.1 Ўқувчиларни касб-хунарга йуналтириш хонасининг асосий вазифалари.

Ўқувчиларни касб-хунарга йуналтириш хонаси куйидаги асосий вазифаларни амалга оширади.

Ўқувчиларни тегишли ҳудудлардаги корхоналар фаолияти билан таништириш, ҳар бир касбнинг ижтимоий мавқеи, инсонга куйиладиган талаблари ҳақида ўқувчилар орасида тушунтириш ишларини ташкил этиш; ҳудудда мавжуд касб-хунарлар ҳақида уқитувчилар ва мураббийлар, соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда маҳсус кечалар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ва турли мусобақалар уюштириш.

Ўқувчиларни ўрта-маҳсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йуналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичидаги маълумотлар билан таништириш. Ўқувчиларнинг касб-хунарга лаёқати, қобилияти ва кўникмаларини ташҳис этиш ишларини мунтазам равишда олиб бориш. Ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, интилиши ва лаёқатлари, эришган ютуқ ва камчиликларини аниқлаш бу ҳақда йилма-йил олинган маълумотлар банкени ташкил этиш, таҳлил этиш ва уларни ўқувчининг ташҳис дафтарида қайд этиб бориш.

9-синфларнинг битирувчиларига академик лицейда ёки касб-хунар коллежларида ўишларини давом эттириш тўғрисида асосли тавсияномалар бериш.

Ўқувчиларни танлаган касби юзасидан ҳар йили тиббий педагогик текширишлардан ўтказиш.

Болаларга ва ота-оналарга ўқувчиларни ўқитишда тарбиялашда ва ижтимоий мослаштиришда психологик-педагогик ёрдам курсатишни ташкил этиш.

Ўқувчилар ва ота-оналарга касбий маслахатлар бериш.

2.2 Касб-хунарга йўналтириш хонасининг ҳуқуқий мақоми.

Касб-хунарга йўналтириш касб-хунарни танлаш, эгаллашга оид Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Касб-хунарга йўналтириш хонаси-ўқувчиларни касб-хунарга йўналтирувчи, уларни касб танлаш ва касбга йўналтириш қоидалари билан таништиришга махсус даргоҳ ҳисобланади.

Касб-хунарга йўналтириш хонасининг мудирини ўқув муассаса раҳбарининг тавсиясига биноан туман, шаҳар халқ таълими бўлими томонидан тайинланади ва ўз ваколати доирасида ўқув муассаса раҳбарияти номидан юқори ташкилотларга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир.

Касб-хунарга йўналтириш хонасининг мудирини ўзи бажарадиган ишларига зарур бўлган атрибутлар ва жихозларга эга бўлади ва хонага бириктирилган мулкни бошқаради ҳамда тасарруф этади.

Касб-хунарга йўналтириш хонасининг мудирини ташхис Маркази ва мактаб маъмурияти билан келишилган ҳолда ўз вазифаларини бажариш учун фаолият юритишнинг қулай шакл ва услубларини танлайди, ўз ваколатига тегишли масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар билан таъминланиш ҳуқуқига ҳамда уларни бажаришга оид ёрдам олишга ҳақлидир.

2.3 Касб-хунарга йўналтириш хонасининг ҳамкорлиги.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонасида олиб бориладиган ишлар қўйидагилар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Директор, директор уринбосарлари, мактабнинг касбга йўналтирувчи мутахассиси, синф раҳбари ва ўқитувчиларининг ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича ишларини амалга оширишда умумий раҳбарликни олиб боради ва улар орасида иш тақсимотини аниқлайди ҳамда зарурий шарт-шароитлар яратиб беради.

Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари: Синф раҳбарлари, ўқитувчилар, болалар етакчилари ва касб-хунарга йўналтирувчиларга ҳамда мактаб фаолларига методик ёрдам курсатади, улар томонидан ўтказиладиган касб-хунарга йўналтириш ишларини олиб боришда умумий раҳбарликни амалга оширади, назорат қилади.

Синф раҳбарлари: Мактабнинг касб-хунарга йўналтириш хонаси билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг касб танлаши бўйича ишларни олиб боради ва мактаб психолог билан бирга ҳар бир ўқувчи қобилиятини, қизиқиши ва мойиллигини диагностик усулда аниқлайди.

Болалар етакчиси: Касб-хунарга йўналтириш хонасини жихозлаш, касб-хунарга бағишланган кечалар, суҳбат ва бошқа тадбирларда ўқувчиларнинг иштирокини таъминлайди ва ёрдам беради.

2.4 Касб-хунарга йўналтириш хонасида ўтказиладиган тадбирлар.

Касб-хунарга йўналтирувчи кечалар, касб-хунар эгалари билан учрашувлар, касб юзасидан ўтказиладиган бахслар, ўқувчилар билан уларнинг ота-оналарининг касблари бўйича ўтказиладиган давра-сухбатлари, ташкилотлар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари вакиллари билан эркин суҳбатлар ўтказиш.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган буюмлар кўрғазмасини ташкил этиш.

Ўқувчиларнинг танлаган касблари бўйича ўтказиладиган давра суҳбатларини “Ҳоҳлайман”, “Керак”, “Уддалайман” тизимида ўтказиш.

Касб-хунарга йўналтириш хоналарининг ҳужжатлари, жихозлари, ундаги мавжуд стенд, бурчак ва бошқа зарурий анжомлар мазкур Низомга илова этилган рўйхат асосида амалга оширилади.

2.5. Касб-хунарга йўналтириш хонаси фаолиятини қайта ташкил этиш ва тўхтатиш.

Мактаб касб-хунарга йўналтириш хонасини қайта ташкил этиш ёки фаолиятини тўхтатиш умумий ўрта таълим мактабларининг педагогик Кенгаши қарори асосида туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Касб-хунарга йўналтириш хонасининг фаолиятига тегишли даъволар мактаб маъмурияти орқали амалдаги қонунчилик томонидан белгиланган тартиб ва муддатларда қондирилади.

2.6 Хонадаги жихозлар.

Ахборот берувчи воситалар: компьютер, телевизор, радио, газета, журнал, альбом, видеокассеталар, нусха кучириш аппарати ва х.к.з.

Китоб жавонлари ва касблар ҳақидаги китоблар.

Қаттиқ ва юмшоқ жихозлар трюмо, илгич, стол-стуллар, диван-кресло, палас гилам ва хоказо.

Нафис жихозлар: гуллар, аквариумлар, ўқувчилар томонидан тикилган, тўқилган ва ясалган буюмлар.

Ўқувчи ва ота-оналар билан алоҳида суҳбатлашиш бурчаги (хонаси).

2.7 Касб-хунарга йўналтириш хонасидаги расмий ҳужжатлар ва илмий-услубий материаллар.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика Ташхис Маркази, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик – педагогик худудий ташхис Марказлари ҳамда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонаси тўғрисидаги Низомлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар.

Худуддаги академик лицей ва касб-хунар коллежларининг жойлашув харитаси, улардаги тайёрлов йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар.

Худуддаги мавжуд касблар ва уларга бўлган эҳтиёжлар тўғрисидаги маълумотлар. Мавжуд ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларидаги тайёрлов йўналишлари ҳақидаги маълумотлар, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи.

Касб-хунарлар классификацияси (шажараланиши) тўғрисидаги маълумотлар.

Хонадаги мавжуд жихозлар дафтари.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш хонасида ўтказиладиган тадбирлар режаси ва хонанинг иш тартиби. Ўтказиладиган тадбирларнинг баённомалари ва уларга тааллуқли материаллар. Касб-ҳунарга йўналтиришга оид ўқув-услубий адабиётлар ва ахборотнома материаллари. Фикр мулоҳаза ва таклифлар дафтари. Хар хил касбдаги меҳнат фахрийлари альбоми. Оммавий ва якка ҳолдаги суҳбат дафтари. Хар-хил анкеталар ва уларнинг тахлилий натижалари папкалари. Тест, рейтинг натижалари. Фармойиш ва буйруқларни ижро этиш папкаси.

Корхоналар, ўқув муассасалари билан ҳамкорлик ишларининг натижалари папкалари. Касблар тавсифномалари (профессиограммалари)

Худуддаги мавжуд академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг тарғибот материаллари. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш комиссиясининг ҳужжатлари. «Мактаб ва ҳаёт» журнали ва бошқа газета ва журналлар тўпламлари. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик тахҳис Маркази илмий кенгаши тасдиқлаган йуриқномалар, тавсияномалар, ишланмалар ва бошқа услубий материаллар.

2.8 Касб-ҳунарга йўналтириш хонаси фаолиятини маблағ билан таъминлаш.

Давлат мулкининг асосий ва айланма маблағлари.

Бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш.

Бажарилган ишлар ва хизматлардан тушган даромадлар.

Ташкилотлар, хомийлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари.

Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар.

2.9 Касб-ҳунарга йўналтириш хонасидаги бурчаклар.

Президент И. А. Каримов асарлари. Маърифат, маънавият ва маданият соҳалари бўйича адабиётлар. Ота-оналар бурчагидаги касб танлашга оид материаллар. Дефектология бурчагидаги касб танлашга хос материаллар. Психология бурчагидаги касб танлашга хос материаллар, тестлар, анкеталар тахлиллари. Тиббиёт бурчагидаги касб танлашга хос материаллар. Касб танлашга йўналтирилган «Соғлом авлод» дастурига хос материаллар. Касб танлашга йўналтирилган «Она ва бола» дастурига ва бошқа йиллар дастурларига хос материаллар.

Касб-ҳунарга йўналтириш, касб танлаш ва касбни эгаллашга қаратилган стендлар. Меҳнат ва касб-ҳунарга йўналтиришда ишлатиладиган атамалар. Касблар олами ва касблар шажарасига оид рефератларнинг мавзулари. Ўқувчилар томонидан мустақил равишда бажариладиган ишларнинг мавзулари. Касблар ва шахс юзасидан ўтказиладиган баҳслар, суҳбатлар ва бериладиган маслаҳатлар. Ўқитувчилар томонидан бошқа ўқувчиларга уюштириладиган ёрдамлар. Ўқувчилар учун ўзлаштириши лозим бўлган касбий билимлар. Фотомонтаж, видео, буклетлар, рисоалар шаклларида тайёрланган материаллар. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тарғибот стендлари. Олий ўқув юртлари тўғрисидаги маълумотлар. Меҳнат бозоридаги касбларга эҳтиёж.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга оид материаллар. Ўқувчиларнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга оид тайёрлайдиган рефератлари. Ўқувчилар билан касб танлашга йўналтирилган амалий машғулотлар. Ўқувчилар билан утказиладиган савол жавоб, бахслар мавзулари. Ўқувчилар билан утказиладиган суҳбатлар мавзулари. Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган касбий билимлар, кўникма ва малакалар.

Хулоса.

Жамиятнинг бевосита давомчилари бўлган ёш авлоднинг касб танлашларини замон талабларига мувофиқ равишда ташкил этишда умумий ўрта таълим мактабларида бу соҳада олиб бориладиган ишлар муҳим ўрин тутди. Чунки, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи-ёшлар 9 йил таҳсил олишлари билан бир қаторда турли хил касб-хунарларни сиртдан танийдилар, уларнинг тарифларини, таснифларини танишадилар, уларнинг иш ўринларини аниқлайдилар, жамият тараққиётидаги ўрни, аҳамиятини аниқлайдилар. Шунинг учун, ўқувчи-ёшларни умумтаълим мактаблари негизида турли хил касб-хунарларга йўналтиришда касбга йўналтириш хоналарини жихозланиши ҳам муҳим ўрин тутди.

Умумтаълим муассасаларидаги касбга йўналтириш хоналарида турли касб-хунарлар тўғрисида атрофлига маълумот берадиган турли хил стендлар, хулосалар, ойиналар, экранлар, хат жилдлар, деворий газеталар ва журналлар, варақалар, альбомлар, турли хил тўпламларда хилма-хил маълумотлар ва ахборотлар узлаштирадилар.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда касб-хунарларнинг жуда ҳам хилма-хилланиши, турланиши кўпайган. Сабабли, чет эл инвестициялари ва сармояларининг кириб келиши, турли хил янгидан-янги келди. Шунинг учун ўқувчи-ёшларга барча имкониятлар касб-хунарлар тўғрисида атрофлича маълумотлар бериш ота-оналарнинг, ўқитувчи, мураббий-устозларнинг маҳалла-жамоатчилик вакилларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Мундарижа.

Кириш.....	3
1. Касб танлаш ишлари аҳамияти ва мазмуни.....	4
2. Умумтаълим мактабларида касбга йўналтириш фани хонаси ва унинг жихозлари.....	7
2.1 Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонасининг асосий вазифалари.....	8
2.2 Касб-хунарга йўналтириш хонасининг ҳуқуқий мақоми.....	8
2.3 Касб-хунарга йўналтириш хонасининг ҳамкорлиги.....	9
2.4 Касб-хунарга йўналтириш хонасида ўтказиладиган тадбирлар.....	9
2.5 Касб-хунарга йўналтириш хонаси фаолиятини қайта ташкил этиш ва тўхтатиш.....	10
2.6 Хонадаги жихозлар.....	10

2.7 Касб-ҳунарга йўналтириш хонасидаги расмий ҳужжатлар ва илмий-услубий материаллар.....	10
2.8.Касб-ҳунарга йўналтириш хонаси фаолиятини маблағ билан таъминлаш.....	11
2.9 Касб-ҳунарга йўналтириш хонасидаги бурчаклар.....	11
Хулоса.....	12